

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ”
КАФЕДРАСИ**

**5230900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши
кундузги бўлим IV курс Б-468 гуруҳ талабаси Ширинов Муслимжон
Ботир Ўғлининг “Тижорат банкларида фойда ва зарарлар ҳисобининг
юритилиши ва унинг аудити масалалари(АТ “Агробанк” Батош
филиали мисолида) мавзуси бўйича ёзган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ:

**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
таълим йўналиши битирувчиси
IV-курс Б-468 гуруҳ талабаси
_____Ширинов М.**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

**“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия
ҳисоби” кафедраси ассистенти
_____Холмуродов О.**

ҚАРШИ – 2018 ЙИЛ

МУНДАРИЖА

| | | |
|----------------|--|--------------|
| | КИРИШ | 3-7 бет |
| I БОБ | БАНК ДАРОМАДИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ҲАМДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ | 8-бет |
| | 1.1 Банк даромади ва харажатининг иқтисодий мазмуни ва Таснифланиши | 8-20 бет |
| | 1.2 Банкларда ички ва ташқи аудит ўтказишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари | 21-33 бет |
| II БОБ | АТ «АГРОБАНК» БАТОШ ФИЛИАЛИДА ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ | 34-бет |
| | 2.1 Тижорат банкларида фойда ва зарарларни тавсифи ҳамда уларни аниқлаш тартиби | 34-40 бет |
| | 2.2 АТ “Агробанк” Батош филилида фойда ва зарарлар ҳисоби ва унинг таҳлили | 41-48 бет |
| | 2.3.Банкларда ички ва ташқи аудит текширувлари ўтказишни амалий жиҳатлари | 49-53 бет |
| III БОБ | ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 54-63 бет |
| | ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР | 64-67 бет |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 68-73 бет |
| | ИЛОВАЛАР | |

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Тижорат банклари фаолиятининг пировард мақсади олинаётган фойдани максималлаштиришдан иборат бўлиб, бунда банкнинг ликвидлиги билан даромадлиги ўртасидаги оқилона алоқадорликни таъминлаш муҳим, амалий аҳамият касб этадиган масала ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, республикаимиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институтционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазибалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда республикаимизнинг бир қатор йирик тижорат банкларида ликвидлилик даражаси юқори бўлган активларнинг нисбатан йирик миқдорда тўпланиб қолиши юз бермоқда. Бу эса, уларнинг даромадлигига салбий таъсир қилмоқда. Тижорат банкларининг даромадини оқилона тарзда ошириб боришни таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлигини оширишнинг зарурий шартларидан яна бири ҳисобланади. Шунингдек, банк фойдасини оқилона тарзда тақсимлаш, даромад ва харажатлар ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш банклар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Иқтисодийни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодий”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур.¹

Айни вақтда, мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларининг даромадларининг шаклланиш жараёнида сезиларли номувофиқликларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, фоизли даромадларнинг банкларнинг ялпи даромадидаги салмоғининг нобарқарорлиги кузатилмоқда.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, тижорат банкларининг таъсисчилари ўз маблағлари маълум даражадаги риск асосида қўшимча фойда олиш мақсадида тижорат банкларининг капиталини шакллантиришга йўналтирадилар. Аслида тижорат банкларининг фаолиятини фойда билан яқунлаш нафақат таъсисчиларнинг балки молия-банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган устав капитални ҳажмини оширишда ҳам асосий молиявий омил бўлиб ҳисобланади. Тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари, банк фойдасини ошириш муаммоларини ўрганиш, эришилган молиявий натижани тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи газетаси 2017 йил 23 декабр.

олиш, фойда ва зарарлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонанинг ўрганилганлик даражаси. Банк даромадлари ва харажатлари, шунингдек, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларни ҳисобга олиш бўйича изланишлар олиб борган хорижий олимлардан, шунингдек МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан Е.Стародубцева, Л.Батракова, Г.Белоглазова, И.Балабанова, Ю.Вешкин, О.Ефимова, Е.Козлова, Г.Коробова, О.Лаврушина, К.Г.Парфенов, А.К.Полищук, Дж.Синки, Д.М.Нотон, И.Пешанская, Е.П. Жарковская, Е.П. Я.Соколов, Ф.Стивен, А.Шереметларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Шунингдек, тижорат банклари даромадлари ва харажатлари, фойда ва зарарлар ҳисоби масалалари мавзуси бўйича ўзбек иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларидан Т.И.Бобокулов, Ф.Абдувахидов, Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, А.Вахабов, К.Джураев, А.Ибрагимов, Ё.Маҳмудалиева, И.Муругова, Б.Т.Бердияров, Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов, К.Наврузова, С.Норкобиллов, У.Ортиков, Н.Ризаев, З.А.Умаровларнинг ишларида ёритилган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади банк даромадлари ва харажатларни шакллантириш, уни ҳисобга олиш, банк фаолияти натижалари ҳисобини ўрганиш ҳамда аудитини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- банк даромади ва харажатининг мазмуни, уларнинг таснифланишини ўрганиш;
- тижорат банклари даромадларини шакллантириш ва харажатларни амалга оширишни таҳлил қилиш;
- фоизли ва фоизсиз даромадлар ҳисобини ўрганиш;

- фоизли, фоизсиз ва операцион харажатлар, уни ҳисобини ўрганиш;
- банк фойдасини ҳисобга олишни ўрганиш;
- банк аудитини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари;
- тижорат банклари молиявий ҳисоботларини аудит қилиш усулларининг назарий жиҳатлари ва тартиби тадқиқ этилади;
- банк фаолияти даромадлигини таъминлаш, фойда ва зарарлар ҳисобини ҳамда ички ва ташқи аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. АТ “Агробанк” Батош филиалининг фойда ва зарарлар ҳисобининг юритилиши ва аудитини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Тижорат банкларида фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш ва аудитини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Низомлари ва Йўриқномалари, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, банк иши бўйича мамлакатимиз, ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар асарлари, шунингдек банк даромадлари ва харажатлари ҳисоби бўйича меъёрий, услубий манбалар хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. банк даромади ва харажатининг иқтисодий мазмуни ва таснифланиши тадқиқ қилинди;

- банк фойдасининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқ қилинди;
- тижорат банклари даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тартиби тизимлаштирилди;
- банкларнинг молиявий натижаларини аудит қилишнинг амалиётдаги ҳолатига баҳо берилди;

- тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва ички ва ташқи аудит хизматининг молиявий жиҳатида мустақиллигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- банк фаолияти фойдалилигини таъминлаш ва фойда ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора–тадбирлар ишлаб чиқишда, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” фанларини ўқитишда тавсия сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши таркиби кириш, учта боб, жадвал, чизма, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. БАНК ДАРОМАДИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ҲАМДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1 Банк даромади ва харажатининг иқтисодий мазмуни ва таснифланиши

Тижорат банкларининг фаолиятини молиялаштириш манбаи бўлиб, уларнинг жорий молиявий йил мобайнида оладиган даромадлари ҳисобланади. Уларнинг балансида йил давомида олинadиган даромадлар ўсиб борувчи якун тарзида ҳисобга олинади. Молиявий йилнинг сўнгги кунда барча даромадлар ва харажатлар ҳисобрақамлари ёпилади. Агар даромадлар харажатлардан ортиқ бўлса, юзага келган натижа жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобланади, агар харажатлар даромадлардан ортиқ бўлса, ҳосил бўлган сумма жорий йилнинг зарари сифатида баҳоланади. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шarti бўлиб, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига, биринчи навбатда, фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек, банкнинг оқилона даромаддорлигини ҳисобга олган ҳолда, банк хизматлари жозибадорлигини ошириш ва янги мижозларни жалб этиш мақсадида тариф сиёсатини мақбуллаштириш лозимлиги ҳақида айтилган.²

Шуниси характерлики, ҳар қандай хўжалик субъекти ўз ялпи даромадининг асосий қисмини асосий фаолият туридан олиши лозим. Фақат шундай ҳолатдагина хўжалик субъектининг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, шу жиҳатдан олганда, тижорат банки даромадининг асосий қисми кредит операцияларидан ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

операциялардан олиниши лозим. Чунки тижорат банклари барча мамлакатларда, аввало, кредитлаш институтлари ҳисобланади ва қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидир.

Даромадлар деганда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларидан келган пул тушуми тушунилади.³ Тижорат банклари бошқа тижорат корхоналари сингари асосий ва қўшимча фаолиятдан, шунингдек, бошқалар категориясига кирувчи тасодифий даромадлар олиши мумкин. Банкнинг асосий фаолияти бўлиб, банк операцияларини амалга ошириш ва миждозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Даромад келтирувчи бошқа фаолиятлар эса, бошқа даромадлар ҳисобланади. Даромад манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин.⁴ Миждозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси ҳисобланади. Нобарқарор эса, молиявий бозордаги операцияларидан, шунингдек, банкнинг қўшимча фаолиятдан келадиган даромадлар ҳисобланади. Банкнинг оладиган даромади, унинг харажатларини қоплаши ва ойда яратиши керак. Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган заҳирага йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак.

Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ҳисобот даврида банкнинг барча даромадларининг мажмуаси ялпи даромад дейилади. Одатда, ялпи даромад таркибида қуйидаги даромад гуруҳларини ажратишади:⁵

³ Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 128 с.

⁴ Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.

⁵ Шеремет А.Д. «Финансовый анализ коммерческого банка» М.: Финансы и статистика 2000 152 стр.

1.Операцион даромадлар:

1.1. Фоизли даромадлар

1.2. Комиссион даромадлар

1.3. Молиявий бозордаги операциялардан даромадлар

1.4. Бошқа операцион даромадлар

2. Банкнинг қўшимча фаолиятдан даромадлар.

3. Бошқа даромадлар.

Бу гуруҳлар таркибини бирма-бир кўриб чиқамиз. Тижорат банклари даромадлари структурасида катта улушга эга бўлган асосий фаолиятдан даромадлар, операцион даромадлар дейилади. Операцион даромадлар ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади. Банк даромадларини ҳисобга олиш амалиётини кўриб чиқишдан олдин даромадлар тушунчаларини таҳлил қилиб чиқиш лозим деб ўйлаймиз. Иқтисодий адабиётларда банк даромади тушунчаси турли хил талқин қилинади. Диана Мак Нотон банк даромади – жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлардан олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборатдир⁶ деб ёзади.


Ушбу таърифда банк даромадини фақат кредитлар бўйича олинган фоизлар ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқни назарда тутган. Бу кўпроқ фойда тушунчасига мос келади. Шунингдек, у бошқа банк операцияларидан олинган даромадларни назардан четда қолдирган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) да «Даромадлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг кўпайиши, шаклида иқтисодий нафнинг ўсишидир» деб таърифлайди. Ўз навбатида «Харажатлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб кетиши ёки камайиши йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши орқали

⁶ Нотон Д.М. «Банковские учреждения в развивающихся странах» – Всемирный банк, Вашингтон, 1994.

акциядорлик капитали иштирокчиларнинг уни тақсимлаши билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг камайишидир» Ушбу фикрларни қўллаб–қувватлаган ҳолда банк даромадини ўзига хос хусусиятларини қуйидаги расмларда кўриш мумкин. Унда корхона ва банкнинг фаолият турлари, улардан олинган даромад ва шу даромадни олиш учун қилинган харажатлар келтирилган.(1.1.1-чизмаси)

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН АСОСИЙ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ

1.1.1-чизмаси




Банк даромадларини бухгалтерия ҳисобида тан олишни тадқиқ қилишда уларнинг структурасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Банк даромадларини кўпчилик иқтисодчи олимлар турли хил белгиларга қараб таснифлайди. Биз уларни асосан иккита катта гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга кирувчи олимлар даромадларни олиниш тартиби бўйича фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлади. Даромадларни

бундай таснифлашни К.Наврўзова, Б.Т.Бердияров, Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобокулов, А.А.Омонов, О.А.Ортиқов, К.Г.Парфенов, А.К.Полищук, Дж.Синки, Д.М.Нотон, Д.Дж.Карлсон, К.Т.Дитд ва бошқалар ишларида кўриш мумкин. Иккинчи гуруҳ олимлари Г.Г.Коробова, Н.Ф.Каримов, Е.П.Козлова, Е.Н.Галагина ва бошқалар банк фаолиятини асосий ва ёрдамчи фаолиятга бўлиб, шунга мос равишда даромадларни таснифлайдилар. Яъни даромадлар операцион фаолият даромади, банк операциялари ҳисобланмаган операциялардан олинган даромад, бошқа даромадларга бўлинади. Банк даромадларини бундай таснифлаш улар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва бошқарув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Агар биз банк фаолиятини асосий ва қўшимча фаолиятга бўладиган бўлсак, унда асосий фаолиятдан олинган даромад даромаднинг асосий қисмини ташкил қилишини кўришимиз мумкин. Бу даромадни операцион даромад деймиз. Операцион даромад ўз навбатида фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади. Фоизли даромадларга берилган кредитлар бўйича даромадлар, қўйилган депозитлар бўйича даромадлар, қарз мажбуриятлари бўйича даромадлар, шунингдек ҳисоб, лизинг, факторинг, форфейтинг операциялардан олинган даромадлар киради. Фоизсиз даромадларга комисион даромадлар, молиявий бозорлардаги операциялардан даромадлар, чет эл валютасидаги маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги даромадлар киради.(1.1.2-чизмаси)

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ

1.1.2-чизмаси



Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 70–75 фоизга етказса, мақсадга мувофиқ бўлади. Фоизли даромадлар орасида энг кўп даромад келтирувчи манба бу мижозларга ажратилган кредитлардир. Кредитлар бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. (Кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб олинади). Кредит бўйича фоизлар қуйидаги формулага биноан ҳисобланади:

сўндирилмаган қолдиқ х фоиз ставкаси х амалдаги кунлар сони
365

Мижозларга берилган кредитлар бўйича фоизли даромадларга боғлиқ баъзи бухгалтерия ўтказмаларини кўриб ўтамиз:

-Юридик корхоналар(ХК,МЧЖ,ХФ)га берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар:

1) Дт-16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Кт-42601 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар.

2) Дт-16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Кт-44601 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар.

-Давлат корхоналари бўйича қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар:

1) Дт-16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Кт-42201 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар.

2) Дт-16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Кт-44401 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар.

-Жисмоний шахсларга берилган қисқа ва узок муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар:

1) ДТ-16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

КТ-42001 - Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар.

2) ДТ-16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

КТ-44301 - Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар ва х.к.

Барча даромад ҳисобварақлари пассив ҳисоб рақам бўлганлиги сабабли бу ҳисобрақам кредитланганда кўпайиб, дебетланганда камайиб боради. Бу ҳисоб рақам дебетланиши иккита ҳолатда бўлади, яъни биринчиси: нотўғри ёки ортиқча ҳисобланган даромадлар қайтарилиши, бунда тўғрилаш амалиёти билан тегишли ҳисобрақамга қайтарилади ва иккинчиси: йил якунланганда даромад ҳисобрақам дебетланиб, харажат ҳисобрақам кредитланади, бунда даромад ҳисобрақамида қолган сумма соф фойдага олиб борилади.

Кредит характериға эға бўлмаган банк хизматларини кўрсатиш даромад олиш нуқтаи назардан аҳамияти бўйича иккинчи ўринда туради. Бу даромад манбаи ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда катта аҳамият касб этмоқда.

Ушбу даромадлар одатда коммиссион даромадлар дейилади, чунки кўпчилик хизматлар учун ҳақ коммиссион мукофот сифатида олинади. Коммиссион мукофот миқдори одатда амалға оширилган операция ёки битим суммасига нисбатан фоиз кўринишида олинади. Шунингдек, коммиссион даромадларға кўрсатилган хизматлар учун қатъий сумма кўринишида ёки банк томонидан қилинган харажатларни қоплаш кўринишида олинган даромад киради.

Коммиссион даромад келтирувчи операцияларға қуйидагилар киради:

- юридик ва жисмоний шахсларға касса–ҳисоб–китоб хизматини кўрсатиш;

- пластик карточкалар билан операциялар;
- банк кафолатларни тақдим этиш;
- валюта контрактларига хизмат кўрсатиш;
- конверсион операциялар;
- қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлик ва депозитар операциялар ва бошқалар.

Ҳозирги кунда комисион даромадларнинг салмоғи ошиши кузатилмоқда, чунки ушбу операциялардан олинаётган даромадлар барқарор даромад манбаига эга. Шунингдек, ушбу операцияларнинг рисклилик даражаси жуда паст (фақат кафолат беришдан ташқари). Молиявий бозордаги операциялардан даромадларга: қимматли қоғозлар, чет эл валютаси, қимматбаҳо металллар, молиявий деривативлар (фьючерслар, опционлар, форвард битимлари) ва бошқалар олди–сотдиси бўйича даромадлар киради. Бу операциялар моҳияти жиҳатидан савдо операциялари ҳисобланади ва «ресурсларни арзонроқ олиб – қимматроқ сотиш» тамойилига асосланади. Ушбу операциялар спекулятив характерга эга бўлганлиги сабабли ва рисклик даражаси юқори эканлиги айрим давлатларда юқоридаги операцияларни амалга ошириш тақиқланган, масалан, қимматли қоғозлар олди–сотдиси. Қўшимча фаолиятдан олинган даромадлар банк даромадининг жуда оз миқдорини ташкил этади. Унга: банк хизматлари характерига эга бўлмаган хизматларидан даромадлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, машина, ускуналар, бинолар ва бошқа асосий воситаларни ижарага бериш ва уни сотиш, ўқув банк муассасалари даромадлари киради.

Банк фойдасининг камайиши ҳолатида банклар ўз фаолиятини диверсификация қилишга ҳаракат қилади ва шу билан янги даромад манбаларини яратади. Банклар ишлаб чиқариш, савдо–воситачилик ва суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги сабабли, улар шу соҳаларда шўба корхоналар очиш ва уларни акциялар пакетини сотиб олиш орқали кириб келади. Бунда банклар корхоналар ва

ташкilotлар капиталида иштирок этиш орқали кўпроқ даромад олиш имкониятига, улар фаолияти устидан бошқариш ҳуқуқини олиш йўли билан рискларни минималлаштиришга эришади. Банклар асосий ва кўшимча фаолиятдан олган даромаддан ташқари бошқа даромадлар олишлари ҳам мумкин, бундай даромадларни бошқа даромадлар категориясига киритамиз. Бошқа даромадларга: мижозлардан ундирилган пеня, жарима, неустойки; касса ортиқчасини кирим қилиш; захира суммасининг тикланиши; ҳисобот йилида аниқланган ёки келиб тушган ўтган йиллардаги операциялардан даромадлар; бюджетга тўланган солиқларнинг ортиқча қисмининг келиб тушиши; ижарага олган ташкilotлар томонидан қайтарилган бинони қўриқлаш ва комуникацион харажатлар; ходимлар томонидан қайтарилган телефон харажатлари ва бошқалар. Бу даромадлар ўз характерига кўра тасодифий ҳисобланади ва банк томонидан «ишлаб топилмаган» дейилади. Биз биринчи гуруҳ олимлар фикрига кўшилган ҳолда даромадларни фоизли ва фоизсизга бўлиб, уларга кўшимча равишда бошқа даромадларни ҳам киритиш лозимлигини таъкидлаб ўтишни керак деб топдик. Даромадларни олиш тартиби бўйича таснифлаганда улар таркибини аниқ белгилаб олиш лозим.

Банкнинг даромадлиги, биринчи навбатда харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради. Харажат – бу пул воситасини ишлаб чиқариш (банк) ва ноишлаб чиқариш (нобанк) фаолиятларига ишлатиш (харажат қилиш) тушунилади. Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади. Одатда, банклар ўз зиммасига операция харажатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит rischi билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар.

Одатда, тижорат банклари харажатлари куйидагича таснифланади:⁷

1. Операцион харажатлар:

1.1. фоизли харажатлар

1.2. комисион харажатлар

1.3. молия бозоридаги операциялар бўйича харажатлар

1.4. бошқа операцияон харажатлар.

2. Банк фаолиятини функционаллаштиришни таъминлаши бўйича харажатлар.

3. Бошқа харажатлар

Юқоридаги харажат турлари мамлакатимиздаги ҳозирги банк тизимига тўғри келмайди. Чунки бизда тижорат банклари харажатлари фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар ва операцион харажатларга бўлиб ўрганилади ва шу тартибда ишлашади. Бу харажат турларини кенгрок кўрадиган бўлсак, куйидагича туркумлаш мумкин:

Фоизли харажатлар

- Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича;
- Жамғарма депозитлар бўйича;
- Муддатли депозитлар бўйича;
- Депозит сертификатлар бўйича;
- Ҳукумат ҳисобварақлари бўйича ЎзР МБига тўланадиган ҳисобварақлар бўйича;
- Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича;
- Бошқа қарз маблағлари бўйича;
- Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича;
- РЕПО битимлари бўйича;
- Бошқа фоизли харажатлар;

Фоизсиз харажатлар

- Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар;
- Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар;

⁷ Е.П.Козлова, Е.Н.Голонина «Бухгалтерский учет в коммерческих банках». М.: 1996 г.

- Қарам хўжалик жамиятларига, кўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар;
- Инвестициялардан кўрилган зарарлар;
- Бошқа фоизсиз харажатлар;

Операцион харажатлар

- Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар;
- Ижара ва таъминот харажатлари;
- Хизмат сафари ва транспорт харажатлари;
- Маъмурий харажатлар;
- Репрезентация ва хайрия
- Эскириш харажатлари;
- Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар;
- Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ва бошқалар.

Тижорат банклари фоизли харажатлари ичида жалб қилинган депозитлар бўйича харажатлар салмокли ўрин эгаллайди. Бу харажатлар ҳам фоизли даромадлар сингари кунлик ҳисоблаб борилади, яъни депозитлар бўйича фоизлар хар куни ҳисоблаб ёзилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс этирилади:

депозит суммаси(қолдиғи) x фоиз ставкаси x амалдаги кунлар сони

365

Дебет 50100-51100 Депозитлар бўйича фоизли харажатларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кредит 22402 “Талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар бўйича тўлаш учун ҳисобланган фоизлар”.

Банк операцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар операцион харажатлар дейилади. Уларни тўғри ёки ўзгарувчан харажатлар дейиш мумкин. Чунки, харажатнинг катталиги банк амалга оширган операция ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади. Одатда, банк

даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган кредитлар бўйича йўқотишларни қоплашда, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади. Харажатларга ликвидлилик каби устама фоиз ўзгаришлари пасивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қилади. Ўз навбатида, банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қилади. Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак. Банк харажатлари ҳам даромадлари сингари гурухлаштирилади, чунки молиявий натижани ва ҳар бир банк фаолияти йўналиши бўйича даромадлилик даражасини баҳолаш имконияти бўлиши керак. (1.1.-3-чизма)



Ҳозирги кунда, Ўзбекистон банк тизимида ҳам ушбу амалиётдан фойдаланилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси»да ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204IS «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тўлдириш тўғрисидаги методик кўрсатмаларда банк даромадларини ва харажатларини шу тартибда ҳисобга олишда фойдаланилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банкларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Ягона бир холдинг компаниялари кўринишида, тижорат банклари ва унинг жойлардаги филиаллари кўрсатадиган хизматларнинг хилма-хиллигига, мумкин қадар ўз миқдорларига хизмат кўрсатишининг қулай ҳамда арзон турли кўрсатмалар буйруқлар сонини бир қадар чекланган тартибда қўллаш имкониятлари ривожланмоқда.

1.2 Банкларда ички ва ташқи аудит ўтказишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланиши, хусусий тижорат корхоналарини ва акционерлик тижорат банкларнинг ташкил қилиниши, республика капитал бозорининг юзага келиши ўз навбатида ушбу субъектлар фаолиятини нафақат давлат органлари томонидан назорат қилиш, балки манфаатдор шахслар (корхона акционерлари, кредиторлари, таъсисчилари) томонидан ҳам ушбу корхоналарнинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳолис маълумотга эга бўлиш эҳтиёжи юзага келди. Акционерлар, хусусий мулк эгалари ўз маблағларининг нималарга сарфланаётганлигини ва қандай фойдаланилаётганлигини натижада қандай самара олинаётганлигини билиши, ўз жамғармаларидан қандай даромад, фойда олиши мумкинлиги ва олинган бу фойда қанчалик тўғри ҳақиқий эканлигини билишга эҳтиёж туғилди. Шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб ҳолис ва малакали текширувларга ҳам эҳтиёж юзага келди.

Аудитнинг келиб чиқиши биринчи навбатда ҳисоботни тузувчилар (субъект раҳбарлари) манфаатлари ва ундан фойдаланувчилар (субъект мулк эгалари) манфаатларининг мос келмаслиги, хўжалик юритиш қарорини қабул қилиш учун ҳолис маълумот зарурлиги, маълумотларни баҳолаш учун маҳсус билим лозимлиги, олинган маълумотларни баҳолаш учун керакли маълумотлар тижорат сири бўлганлиги сабабли юзага келди. Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилот ларининг аудиторлик текширувини ўтказиш, профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мос келишини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти мураккаб операциялар ва жараёнларни ўз ичига

олади. Банкларда содир бўлаётган барча ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш ва назоратини таъминлаш анча қийин ва мураккаб фаолиятдир. Ушбу муаммолар аудит ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Банк аудитнинг тўғри ташкил этилиши ва самарадорлиги унинг ҳуқуқий асосларига бевосита боғлиқдир. Банк аудитнинг ҳуқуқий асослари деганда аудитни ташкил қилиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштиришга асос бўладиган ёки ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳуқуқ берадиган меъёрий ҳужжатлар мажмуаси тушунилади.

Банк аудитнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- банк аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар;
- банк аудитни ўтказиш билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар;
- банк аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;
- аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти ҳам давлат томонидан, ҳам касбий жамоатчилик ташкилотлари томонидан бошқарилади ва мувофиқлаштирилади. Шу мақсадларда Олий Мажлис томонидан махсус қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва аудиторлик ташкилотлари(фирмалари) тузилган улар самарали фаолият кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш, амалга ошириш ва ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги асосий меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида” ги Қонуни.
2. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонун.
3. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун.
- 4.”Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан

қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 22 декабрда 992- рақам билан рўйхатга олинган).

5. Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида” Низом(Адлия вазирлигида 2000 йил 20 июнда 982- рақам билан рўйхатга олинган.).

6.Тижорат банкларида ички назоратни ташкил қилиш бўйича тавсиялар (Марказий банк томонидан 1-июль 1998 йил 404 –рақам билан тасдиқланган).

7.Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш тартиби тўғрисида Низом (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йил 237-рақам билан тасдиқланган).

8.Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.1996 йилдаги ПФ-1500 – сонли Фармони).

9.Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудит аудиторларни малакавий аттестация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки комиссияси ҳақида Низом.(Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йилда 238- рақам билан тасдиқланган).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йил 34-А/1 сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2011 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.

Аудит ташкил қилиниши ва ўтказилишига кўра ички ва ташқи аудитга бўлинади. Банк аудити аудитнинг бир кўриниши бўлиб, унинг асосий мақсади - молиявий ҳисоботлари ва бошқа молиявий ахборот тўғрилигини ва қонун ҳужжатларига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий

ахборотни текширишдир. Банк аудити, умумий аудит ички ва ташқи аудитларга бўлинади.

Ички аудит- ички назорат тизими ва банкнинг хавфсизлик тизимини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Банк фаолиятига омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва аниқ натижаларга эришиш мақсадида ички назорат тизими жорий этилади. Ички назорат тизими банкнинг иш режаси, усули ва жараёнлари, фойданинг кўпайиши ҳамда банк раҳбарияти топшириқларининг аниқ бажарилишини таъминлашни ўз ичига олади. Ички аудит банк таркибининг ташкилотчилик бўлинмаси сифатида тан олинган бўлиб, банк кенгашига бўйсунди. Ички аудитнинг вазифаси турлича бўлиши мумкин:

- бухгалтерия ишини тўғри олиб борилишини текшириш;
- банк даромадлари ва харажатлари ҳисобининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш(фойдани тўғри ҳисоблаш, харажатларнинг ўз вақтида ҳисобварақларда акс эттириш ва бошқалар);
- бошқа муомалаларнинг қонуний бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар.⁸

Ички аудитнинг асосий мақсадлари ва вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ички аудит текшируви натижалари асосида банкнинг реал ҳолати ва ички назорат самарадорлигининг аниқ ҳолати тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан Банк Кенгашини таъминлаш;

- ички аудит тизимини ва ички аудит текширув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш; банк фаолияти олдига қўйилган мақсадга эришишда маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини кузатиш;

⁸ “Тижорат банкларининг ички аудитига марказий банк томонидан қўйилган талаблар тўғрисида” ги Низом. Адлия вазирлигида 2000й.22 декабрда 992-рақам билан Рўйхатга олинган.

- таваккалчиликни бошқариш жараёнини қўлланилишини ва таваккалчиликни баҳолаш методологиясининг самарадорлигини кузатиш;
- молиявий ахборот тизимини, шунингдек электрон ахборот тизими ва электрон банк хизматини кузатиш; -бухгалтерлик ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини кузатиш;
- банк капиталининг таваккалчилигини баҳолаш тизимини кузатиш; банк фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;
- доимий тақдим этиладиган ҳисоботларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;
- бухгалтерия китоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини ва ишончлилигини ўрганиш;
- банк раҳбарияти билан биргаликда фаолият юритиш;
- банк кенгаши талабларига биноан махсус текширишларни ўтказиш ёки ўтказишга амалий ёрдам бериш;
- аудит хизмати текширувлари жараёнида аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида банк Кенгашига ахборот бериш.

Ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш учун услубий топшириқномалар ёки йўриқномалдар ишлаб чиқилиши тавсия этилади. Ушбу йўриқномалар керакли иш объектларида нималарни назорат қилишни аниқлаб беради. Ички аудит йиллик режа асосида олиб борилади. Текширувни ташкил этиш ва ўтказишда ички аудит бошлиғи тўла жавобгарликни ўз зиммасига олади. Ички аудит банк бошқарув- назорат тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Ички назоратнинг хусусиятининг тарихан ўзгарган бўлиб, аввал аудитнинг роли молиявий бошқарув ва активлар хавсизлигини таъминлашдан иборат эди. Назорат қийинлашган шароитда ички назорат тизимининг циклик бажарилиш жараёни аста-секинлик билан ривожланиб боради.

Ички аудитнинг вазифаси – ходимларнинг ўз вазифаларини имкон қадар сифатли ва самарали бажарилишига ёрдам берадир. Ички

аудитор бухгалтерия маълумотлари тўғрилигини текширади. Ички аудиторлар банк кенгаши олдида ҳисобот беради ва аудиторлар кумитаси билан тўғри алоқаларда бўлади. Ички аудитнинг объектлари банкнинг тўлиқ фаолияти ёки алоҳида хўжалик жараёнлари(операциялари) бўлиши мумкин. Ички аудит натижаларига асосан банк раҳбарлари ва бошқа манфаатдор шахслар керакли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Банк ходими ҳисобланган аудитор кунлик бухгалтерия ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилаётганлигини текширувдан ўтказиб боради. Бош банк аудиторлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувида текширилаётган даврдаги ҳисобот маълумотлари аналитик ҳисоб ҳужжатларига солиштириш йули билан текширув амалга оширилади.


Марказий банк томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувида ҳукумат қарорларига, Президент фармонларига, Марказий банк йуриқномаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинаётганлиги текширувдан ўтказилади. Ушбу текширув танланма ёки комплекс усуллардан бирида амалга оширилади. Ички аудит хизмати (кейинги ўринларда "Аудит хизмати") - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самарадорлиги ва ишонччилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма. Ҳар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек банк Кенгаши тасдиқлайдиган "Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом", "Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари" ҳамда "Бош ички аудитор лавозим йўриқномаси"ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт. Банк Кенгаши тегишли ички назорат тизимини

ташқил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Аудиторлик қўмитасини тузиши лозим ва ушбу қўмита таркибига фақатгина банк Кенгаши аъзолари киритилиши лозим. Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича малакага эга бўлиши ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим. Хар бир текширув якуни бўйича аниқланган камчиликлар банк бошқарувчисига тақдим қилиб борилади. Банк бошқарувчиси томонидан бошқарув қарорини қабул қилиш учун аудитор томонидан тақдим қилинган маълумотлардан фойдаланилади. Бош банк аудиторлари ҳамда Марказий банк аудиторлари томонидан кўпи билан бир йилда бир маротаба, камида уч йилда бир маротаба мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилади. Ушбу назоратни ўтказишдан мақсад бошқа текширувлар даврида, яъни Марказий банк, солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлимлари томонидан ўтказилган текширувлар даврида камчилик аниқланмаслиги бўлиб ҳисобланади. Аудит хизмати мустақилдир ва у бевосита банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунди. Банкнинг ҳудудий филиалларида тайинланган барча Аудит хизмати ходимлари бевосита бош аудиторга бўйсундишлари лозим. Бош аудитор банк Кенгаши қарорига асосан тайинланади ва ўз хизмат вазифасидан озод этилади. Аудит хизмати ходимлари Бош аудитор тақдимномасига мувофиқ банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланади. Бош аудитор ҳар йили Аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқилади.

Ташқи аудит - бу ташқи манфатдорларнинг буюртмаларига асосан ҳўжалик юритувчи субъектлар(банк) фаолиятини текшириш ва экспертизадан ўтказишдир.

Ташқи аудит - юқорида айтиб ўтганимиздек мустақил аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириш ва у бўйича хулоса беришдан иборат. Ташқи аудит ички аудит билан ўзаро алоқада олиб борилади. Биринчи ўринда ички назорат фаолияти ва ташкилотчилиги баҳоланади, бунда ички аудитнинг объективлик даражаси, мустақиллиги, бажарилган ишлар ҳажмига эътибор қаратилади. Ташқи аудиторлар текширилаётган банкнинг умумий фаолиятини ўрганадилар. Объектив баҳолаш учун биринчи навбатда актив ва пассив муомалаларнинг ҳолати кўриб чиқилади. Банкнинг молиявий ҳисоботи тўғри тузилганлиги ва унда акс эттирилган муомалаларнинг қонун талабларига жавоб бериши кўриб чиқилиши лозим.

Банкдаги аудиторлик текширувларининг объектларидан бири бу банкнинг йил якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботидир. Молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бу банкнинг баланси бўлиб, баланс беш бўлимдан, актив ва пассив қисмларидан иборат. У банкнинг даромадлари ва ҳаражатлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги бошқа асосий маълумотларни ўз ичига олади.(2.1.1-чизмаси)



2.1.1-чизмаси. Банк фаолиятини текширганлиги тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ҳақиқий деб топилмаслиги

Аудиторлар банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қиладилар, шу жумладан, ликвидликни, кредит портфелининг сифатини, қимматли қоғозларга қўйилган инвестицияларини, валюта муомалаларини, таснифланган ссудаларга асосланган захираларни, бошқарув маълумотлари (менежмент сифатини, даромад ва харажатлар таркибини, маълумотлар тизимининг автоматлаштирилганлигини) ва бошқа маълумотларни бирма –бир таҳлил қилиб чиқадиладар. Тижорат банклари фаолиятнинг таъсис ҳужжатларини ўрганишдан ва унинг устав капиталини шакллантирилишининг тўғрилигини текширишдан бошламоғи лозимдир. Аудиторлик текширувларини ўтказиш мақсадида банкнинг капиталини шакллантириш ва ўзгартириш муаммоларининг қонунчилик ҳужжатларига, Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлаш, шунингдек ушбу муомалаларнинг банк бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текширишдан иборат. Аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида қуйидаги маълумотлар манбалари ўрганилади: таъсис ҳужжатлари – Низом, таъсис шартномалари(акционерлик банклар учун) эмиссия проспекти ва акционерлар реестри, акцияларини сотиб олиш учун шартномалар, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома, банк лицензияси, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, банк балансига мулк қабул қилиш далолатномалари ва х.к.

Шундан сўнг банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити билан шуғулланади. Банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити мақсади бўлиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида фойда ва зарарларнинг тўғри акс эттирилганлиги ишончлилигини, соф фойданинг тақсимлаганлиги, захираларнинг шакллантирилиши ва улардан фойдаланишнинг қонунийлигини баҳолаш ҳисобланади. Банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити асосий вазифаларига келгуси давр даромадлари ва харажатларини, жорий даромад ва харажатларни, молиявий натижалар шаклланиши, банк фойдасидан фойдаланиш ва уни тақсимлаш

тўғрилигини, банк захиралари ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш киради.

Аудиторлик текшируви ўтказишда маълумот манбаи бўлиб таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, банк фойдасини тақсимлаш ички низоми, шартномалар, кирим ва чиқим бошланғич ҳужжатлари, 30300-устав капитали, 30600-қўшимча капитал, 30900-захира капитал, 31200- тақсимланмаган фойда, 40000-45999-Даромадлар, 50000-56999-ҳарожатлар счетлар аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари хизмат қилади. Келгуси давр даромадлари ва ҳарожатларини аудиторлик текширувида аудитор шу нарсага эътиборини қаратиши лозимки, кўп ҳолларда касса усулида яъни ҳақиқатда олинган пайтда ҳисобга олиб борилади. Маълумки аудиторлик ҳисоботи - тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик ҳулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир. Аудиторлик ҳулосаси эса - молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт.

Ташқи аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Банк фаолиятига оид қабул қилинган қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинишини текшириш;

- Банк мулкидан мақсадли фойдаланишини ва самарадорлигини текшириш;
- Четдан жалб қилинган сармоялардан тўғри фойдаланишини текшириш;
- Солиққа тортилувчи кўрсаткичлар, солиқларнинг тўғри ҳисобланишини ва бюджетга тўлиқ ўтказилишини текшириш;
- Ўзаро ҳисоб–китобларнинг тўғри олиб борилишини текшириш;
- Банкнинг ҳисоб сиёсати ва унга тўлиқ риоя қилинишини аниқлаш;
- Банкнинг молиявий ҳисоботининг асосли эканлигига ва ҳаққонийлигига ҳолисона баҳо беришдан иборатдир.

Ташқи аудит бетараф ва даҳлсиз аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилади. Ушбу ташқи аудитнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: молиявий натижалар; ўзаро ҳисоб-китоблар операциялари, шу жумладан экспорт-импорт, бартер операциялари, қимматбаҳо қоғозлар, кредитлаш билан боғлиқ операциялар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банклари ҳар йили бир мартаба мажбурий аудитдан ўтказилиши лозим. Банкларни аудиторлик текширувдан ўтказишнинг ўзига ҳос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк томонидан белгиланади.

Банклар «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида»ги Низомга асосан тижорат банклари фаолияти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатиغا эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиши шарт. Аудиторлик ташкилотлари аудит текшируви натижалари бўйича банкларнинг молиявий ҳисоботларининг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ушбу Талабларни инобатга олган ҳолда мувофиқ

тасдиқлайдилар (ёки тасдиқламайдилар) ҳамда банкларнинг йиллик ҳисоботига илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосаларини берадилар.

Банклар ҳар йилги молиявий ҳисоботни унда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт. Аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланадиган ва матбуотда чоп этиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари миллий валюта сўмда тузилиши шарт. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан, мазкур ҳисоботлар бошқа валюталарда ҳам тузилиши мумкин. Аудиторлик ташкилоти бир банкнинг аудиторлик текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида аудиторлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида банкнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилади. Мазкур ишчи гуруҳ таркиби банк бошқаруви раисининг фармойишига асосан тайинланади. Банкларда молиявий йил якунлари бўйича ўтказиладиган аудиторлик текширувлари ҳисобот йили тугаганидан кейинги йилнинг 20 апрелига қадар тўлиқ якунланиши шарт. Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари якунлангач, ўн кун муддат ичида аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси, шунингдек аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган банкнинг молиявий ҳисоботларининг асл нусхалари банк томонидан Марказий банкка давлат тилида ва рус тилида тақдим этилиши лозим. Банклар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга асосан банклар аудиторлик текшируви тугаллангандан сўнг 10 кун ичида аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган молиявий ҳисоботлар тўпламини матбуотда чоп этилишини таъминлашлари ва уч кун муддат ичида Марказий банкка ушбу нашр нусхасини тақдим этишлари шарт.

Банклар аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномани тузишда юқорида қайд этилган муддатларни эътиборга олмаган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни қўллайди. Аудиторлар текширув жараёнида банкдан, банк Кенгаши ва Бошқарувидан мустақил бўлишлари шарт. Текширувни амалга оширувчи аудиторлар банк билан алоқадор шахс, шунингдек шахсий, молиявий ва ўзаро иш муносабатларига эга бўлмасликлари лозим.

II БОБ. АТ «АГРОБАНК» БАТОШ ФИЛИАЛИДА ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.

2.1 Тижорат банкларида фойда ва зарарларни тавсифи ҳамда уларни аниқлаш тартиби.

Тижорат банкларининг асосий фаолияти фойда олишга қаратилган бўлиб, маълумки фойда даромадлар суммасининг харажатлар суммасидан ортган шароитида вужудга келади. Тижорат банклари даромад ва харажатлари, мос равишда бухгалтерия ҳисобварақалар режасининг пассив ва актив ҳисобварақларида юритилиб, ушбу ҳисобварақлар ҳисобот даврининг охирида банкнинг “фойда ёки зарар”лар ҳисобварағи билан корреспонденцияси асосида ёпилади. Банк фойдасини тақсимлаш унинг акциядорлар кенгаши йиғилишида ҳал этилади. Тижорат банклари даромад ва харажатлари бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи асосида амалга оширилади, яъни банк фаолияти натижасида келгусида олинishi ёки тўланиши кўзда тутилган даромад ва харажатлар бўйича операциялар содир бўлган пайтда бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг тегишли ҳисобварақларида акс эттириб борилади.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварағи режасига кўра даромадлар ҳисоби 40000-“Даромадлар” ҳисобварағида юритилиб, улар фоизли ва фоизсиз даромадларидан ташкил топади. Банкнинг фоизли даромадлари 40200-45100 ҳисобварақларда, фоизсиз даромадлар 45200-45900 ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади. Ўзбекистон тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварақлар режасида банк фаолияти натижасида олинishi мумкин бўлган фоизли ва фоизсиз даромадларнинг барча моддалари бўйича алоҳида ҳисобварақлар очилган.

Даромадларни ҳисобга олиб борадиган ҳисобварақлар характери бўйича пассив ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг кредитида банк ҳисобига келиб тушган даромадлар ҳисобга олинса, дебетида ҳисобот даврининг охирида

даромадларнинг 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобварағига ёпилган суммалари акс эттирилади.

Тижорат банклари даромад манбалари жуда кўп қиррали бўлиб, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш ва ҳисобга олиш мумкин:⁹

- мулкӣ шаклидан қаятий назар юридик ва жисмоний шахсларга қисқа ва узоқ муддатга сўмда ва хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар;
- тижорат банкнинг Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозитлари бўйича фоизли даромадлари;
- қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар;
- траст, лизинг, факторинг ва форфейтинг операциялари бўйича даромадлар;
- қимматбаҳо металлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича даромадлар;
- қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган РЕПО битимлари бўйича даромадлар;
- хорижий валюталар курсининг ўзгариши натижасида олинадиган даромадлар;
- берилган кафолатлар ва тижорат фаолиятдан олинадиган даромадлар;
- қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар;
- маслаҳат ва воситачилик хизматларидан олинган даромадлар.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварағи режасига кўра харажатлар ҳисоби 50000-“Харажатлар” ҳисобварағида юритилиб, улар

⁹ Омонов А.А., Қоралиев Т.М. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, 1-нашри. ТМИ, -Т.:”Иқтисод-Молия” 2014. 184-бет.

фоизли ва фоизсиз харажатларидан ташкил топади. Банкнинг фоизли харажатлари 50100-54900 ҳисобварақларда, фоизсиз харажатлар 55100-55900 ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади. Банкларнинг фоизли ва фоизсиз харажатларининг барча моддалари бўйича банк бухгалтерия ҳисобварақлар режасида алоҳида ҳисобварақлар очилган. Мазкур ҳисобварақлар характери бўйича актив ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг дебетида банк томонидан амалга оширилган харажатлар ҳисобга олинса, кредитида ҳисобот даврининг охирида харажатларнинг 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобварағига ёпилган суммалари акс эттирилади.

Фаолиятнинг якуний натижаси фойда ёки зарарни ҳисоб–китоб қилишнинг анъанавий шакли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Фойда (зарар) = даромад–харажат

Г.Г. Коробова фикрича даромадлар ва харажатлар гуруҳлаштиришдан келиб чиққан ҳолда банк жами фойдасини қуйидагича аниқлаш мумкин:¹⁰

1. Операцион фойда, у операцион даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

1.1. Фоиз фойдаси – банк томонидан олинган фоизли даромаднинг харажатлардан ортган қисми;

1.2. Комиссион фойда – комиссион даромаднинг комиссион харажатлардан ортган қисми;

1.3. Молиявий бозордаги операциялардан фойда – ушбу операциялардан олган даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

1.4. Бошқа операцион фойда – бошқа операцион даромадлар минус операцион харажатлар.

2. Қўшимча фаолиятдан олинган фойда – қўшимча фаолиятдан олинган даромад минус уларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар.

3. Бошқа фойда – бошқа даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

¹⁰ Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – с. 190.

Бундан кўриниб турибдики Г.Г. Коробова банк фаолиятини асосий ва кўшимча фаолиятга бўлиб, банк ушбу фаолиятдан олган даромадларини ва шу даромадларни олиш учун қилинган харажатларни ўзаро солиштириш орқали банк фойдасини аниқлаган. Шунингдек, банк фаолиятида банк фаолияти учун хос бўлмаган операциялардан даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқни аниқлаб, уни бошқа фойда кўрсаткичи сифатида эътироф этган. Ушбу модел кўпроқ банкни бошқарувчи шахсларга мос келади, лекин солиққа тортиш нуқтаи назардан солиқчиларнинг талабига мос келмайди.

Юқоридаги фойда (зарар) кўрсаткичларини кўшиб чиқсак, банкнинг баланс фойдасини аниқлаш мумкин.

Баланс фойдаси фақатгина ҳисобот даврида банк фаолияти оралик молиявий натижасини ифодалайди, тижорат банки соф фойдаси эса якуний молиявий натижани. У барча харажатларни қоплаган, кўзда тутилмаган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, захираларни шакллантириб, фойдадан солиқ тўлангандан кейин қолган даромаднинг қолган қисмида ифодаланади.

Дж. Синки АҚШ банкларининг одатий фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот формасини қуйидаги кўринишда қарайди.¹¹

1. Фоизли даромад (ФД);
2. Фоизли харажат (ФХ);
3. Соф фоизли даромад (ФД – ФХ);
4. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси (ЗҚЗ);
5. Ссудалар бўйича зарарларни қоплаш захираси шакллантирилгандан кейинги соф фоизли даромад (ФД – ФХ – ЗҚЗ);
6. Фоизсиз даромад (ФсД);
7. Фоизсиз харажат (ФсХ);
8. Фоиз билан боғлиқ бўлмаган соф даромад (ФсД – ФсХ);

¹¹ Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го издания / под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. М.: 1994, Catallaху. – с. 47.

9. Қимматли қоғозлар бўйича даромад ёки зарарларни ҳисобга олмаган ҳолда ва солиқларни тўлагунга қадар даромад

$(\text{ФД} - \text{ФХ}) - 3\text{ҚЗ} + (\text{ФсД} - \text{ФсХ});$

10. Даромад солиғи (ДС);

11. Банк операцион фаолияти бўйича соф даромад

$(\text{ФД} - \text{ФХ}) - 3\text{ҚЗ} + (\text{ФсД} - \text{ФсХ}) - (\text{ДС});$

12. Қимматли қоғозлардан даромад ёки зарар (ҚҚД);

13. Соф даромад (СД)

$\text{СД} = (\text{ФД} - \text{ФХ}) - 3\text{ҚЗ} + (\text{ФсД} - \text{ФсХ}) - (\text{ДС}) +/- (\text{ҚҚД});$

14. Дивидендлар (Д);

15. Тақсимланмаган фойда (ТФ)

$$\text{ТФ} = \text{СД} - \text{Д}.$$

Россия тижорат банкларида эса, «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботга асосан молиявий натижаларни шакллантириш модели қуйидаги кўринишга эга:¹²

1. Фоизли даромад;

2. Фоизли харажат;

3. Соф фоизли даромад (1қат–2қат);

4. Бошқа операцион даромадлар (зарарлар);

5. Ялпи операцион даромад (зарарлар) (3қат+4қат);

6. Операцион харажатлар;

7. Соф операцион даромад (зарар) (5қат–6қат);

8. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш харажатлари;

9. Кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича фойда (зарар);

10. Солиқ тўлангунга қадар соф даромад (зарар) (7қат –8қат+/-9қат);

11. Даромад солиғи;

12. Соф фойда (зарар) (10қат–11қат);

13. Фойданинг тақсимланиши.

¹² Жарковская Е.П. Банковское дело.–4–е изд., испр. и доп. – М.: Омега–Л, 2005.– с. 377.

Банк даромадлари ва харажатларини бундай гуруҳлаштириш уларнинг асосий банк операцияларини ўтказишда қай даражада боғлиқлигини, шунингдек, оралиқ босқичларда олинаётган фойдани аниқлаш имконини беради. Кўриб чиқилган моделлар якуний натижа яъни, банк соф фойдасини ўзгартирмайди. Соф фойдани шакллантириш моделлари фақат ҳисоб–китобларни амалга ошириш тартиби билан фарқланади.

Банк амалиётини тадқиқ қилиб кўрадиган бўлсак, тижорат банкларида якуний молиявий натижа яъни фойда ёки зарар ҳисобот йилининг охирида ўсиб бориш тартибида даромадлар ва харажатлар ҳисобварақларини ёпиш орқали аниқланади. Банкларда икки ҳил: тақсимланмаган фойда ва жорий йил соф фойдаси фарқланади. Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг “Капитал” бўлимида 31203- Тақсимланмаган фойда, 31206- Соф фойда (зарар) баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади. Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив-пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебитида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин. Ҳисобварақнинг дебитида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан якунланади, кредитда қолдиқ ҳосил бўлса банк фойда кўрган бўлади. Жорий йил соф фойдасини ҳисобга олиш учун 31206- Соф фойда(зарар) баланс ҳисобварағидан фойдаланилади, унинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, нотўғри эълон қилинган ва қайтарилган дивидентлар ҳамда “Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағига ўтказиладиган зарарлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебитида эса, тўланадиган дивидентлар, захира капиталига ўтказиладиган сумма, ҳисобот йилида кўрилган зарар ҳамда “Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағига ўтказиладиган фойда суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидентлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Унга кўра молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- Соф фоизли даромад;
- Эҳтимолий зарарлар захираси чиқариб ташлангандан сўнг соф фоизли даромад;
- Операция харажатлари қилингунга қадар соф даромад;
- Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад;
- Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

Бундан кўриниб турибдики молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимидир ва улар тижорат банкларида даромад ва харажатларни бир-бирига солиштириш орқали аниқланади.

2.2. АТ “Агробанк” Батош филилида фойда ва зарарлар ҳисоби ва унинг таҳлили.

АТ “Агробанк” акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли “Агробанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.


АТ “Агробанк” акциядорлик тижорат банки амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги операцияларни амалга оширади: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш; омонатларни жалб этиш; кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш; чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш; пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш ва ҳоказалар.

Барча хўжалик субъектлари қатори тижорат банкларида ҳам молиявий натижалар шаклланиш жараёнининг бошланғич бўғини бу даромаддир. Шу нуқтаи назардан даромаднинг таркиби ва шаклланиш тартиби, уни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Даромаднинг таркиби ва шаклланиш тартиби тармоқ хусусиятига кўра турли хил хўжалик субъектлар, шу жумладан тижорат банкларида ўзига хосдир. Тижорат банкларида даромадларни ҳисобга олиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида бошланади.

Шу жумладан, АТ “Агробанк” Қашқадарё вилоят Батош филиалининг даромадлар таркиби, 2015-2017 йилларда қуйидагича бўлган.(2.2.1-диаграммаси)

**АТ “Агробанк” Қашқадарё вилоят Батош филиали
даромадларининг ўзгариши, минг сўмда**

2.2.1-диаграммаси



АТ “Агробанк” Батош филиалида жами даромадлар 2015 йилга нисбатан 2017 йилда кўпайган бўлиб, 2016 йилга нисбатан эса камайган. 2.2.1-диаграммадан кўриниб турибдики, банк даромади фоишли даромад суммасига мутаносиб равишда ўзгариб борган. 2016 йилда фоишли даромадлар ва фоиhsиз даромад ўртасидаги фарқ анча катта бўлган. Ушбу даврда банкнинг фоишли даромади суммаси кўпайиб, фоиhsиз даромад суммаси 2015 йилга нисбатан кўпайган. Бу банк даромадининг кўпроқ риск даражаси юқори бўлган операцияларни амалга оширишга қаратилганлигини билдиради. Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики

банкларнинг даромадларини фоизли ва фоизсиз даромадга ажратилган ҳолда ҳисобга олиш тартибидан фойдаланган ҳолда, уларни ҳисобга олишни ҳар бир банк операцияси бўйича алоҳида кўриб чиқсак.(қаранг:2.2.1-жадвал)

АТ “АГРОБАНК” БАТОШ ФИЛИАЛИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ ВА ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ¹³

2.2.1-Жадвал

| № | Даромад турлари | 2015 | | 2016 | | 2017 | | 2017 йилга нисбатан фарқи (+;-) | |
|---|---------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|---------------------------------|-----------|
| | | сумма | салмоғи % | сумма | салмоғи % | сумма | салмоғи % | сумма | салмоғи % |
| 1 | Фоизли даромади | 1528917,1 | 63,7 | 2641833,4 | 72,0 | 1955916,9 | 61,3 | +426999,8 | 128,0 |
| 2 | Фоизсиз даромади | 871549,5 | 36,3 | 1034659,0 | 18,0 | 1233430,6 | 38,7 | +361881,1 | 141,0 |
| | Жами даромад | 2400466,6 | 100 | 3676492,4 | 100 | 3189347,5 | 100 | +788880,9 | 133,0 |

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АТ “Агробанк” Батош филиалида, 2015 йилда даромаднинг 63,7 фоизини фоизли даромади ташкил этмоқда. Яъни банк, 2015 йилда қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромади 812140,0 минг сўмни, маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар эса 628986,0 минг сўмни ташкил қилган.

АТ “Агробанк” Батош филиалида 2015 йида фоизли даромадлари 1528917,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, уни асосий фоизли даромадини давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар 811679,9 минг сўмни, хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар эса 269814,8 минг сўмни ташкил қилган. 2016 йилда фоизли даромаднинг асосий қисмини давлат корхона, ташкилот ва

¹³ АТ “Агробанк” Батош филиалининг 2015-2017 йиллардаги фойда ва заралар ҳисобот маълумолари асосида тузилди.

муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар 1823105,5 минг сўмни, хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар эса 289986,3 минг сўмни ташкил этган. 2017 йилда бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан фоизли даромади 1112916,3 сўмга ёки 1,72 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда эса банкнинг фоизли даромади асосий салмоғини давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар 783531,1 минг сўмни, хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар эса 628035,0 минг сўмни ташкил қилган. 2017 йилда 2015 йилга нисбатан эса фоизли даромадлари улуши 426999 минг сўмга кўпайиб 128 фоизни ташкил қилган. Фоизсиз даромадлари 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1063109,5 минг сўмга, яъни 118,7 фоизга ошган. 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгаришини таққослайдиган бўлсак, фоизсиз даромади 198771,6 минг сўмга кўпайиб 119 фоизни ташкил этган.

2015 йилда бошқа фоизсиз даромадларни, банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар 9050,3 минг сўмни, ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши 16485,0 минг сўмни ёки бошқа фоизсиз даромадлари 48804,9 минг сўмни ташкил этган. 2016 йилда банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар 9528,5 минг сўмни, бошқа фоизсиз даромадлари 57792,5 минг сўмни, 2017 йилда эса банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар 8053,1 минг сўмни, ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши 23,9 минг сўмни ёки бошқа фоизсиз даромадлари 157185,8 минг сўм ошганлигини кўришимиз мумкин. ташкил этган. Фоизсиз даромадларини 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 361881,1 минг сўмга кўпайган ёки 141 фоизни ташкил этган. Яъни, АТ “Агробанк” Батош филиалида фоизсиз даромадларни 1,5 бараварга кўпайган.

Банкнинг фоизсиз бошқа даромадларини асосан банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар ташкил қилган бўлиб, банк ўзининг асосий воситаларидан самарали фойдаланиб, бошқа фоизсиз даромадларини салмоғини оширган. АТ “Агробанк” Батош филиалининг фоизли ва фоизсиз харажатлари таҳлили ва таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, улар қуйидагиларни ташкил қилган.(2.2.2-жадвал)

АТ “АГРОБАНК” БАТОШ ФИЛИАЛИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ ВА ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ¹⁴

2.2.2-Жадвал

| № | Харажат турлари | 2015 | | 2016 | | 2017 | | 2017 йилга нисбатан фарқи (+;-) | |
|---|------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|---------------------------------|-----------|
| | | сумма | салмоғи % | сумма | салмоғи % | сумма | салмоғи % | сумма | салмоғи % |
| 1 | Фоизли харажатлар | 1036032,0 | 48,5 | 1840194,4 | 54,5 | 1425878,6 | 41,1 | +389846,6 | 137,0 |
| 2 | Фоизсиз харажатлар | 1097191,7 | 51,5 | 1533562,8 | 45,5 | 2042176,2 | 58,9 | +944984,5 | 186,1 |
| | Жами харажатлар | 2133223,7 | 100 | 3373757,2 | 100 | 3468054,8 | 100 | +1334831,1 | 162,5 |

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АТ “Агробанк” Батош филиалида, 2015 йилда харажатларнинг 48,5 фоизини фоизли 51,5 фоизини фоизсиз харажатлари, 2016 йилда 54,5 фоиз фоизли харажатлар 45,5 фоизи фоизсиз харажатлар, 2017 йилда эса 41,1 фоизи фоизли, 58,9 фоизини фоизсиз харажатлар салмоғи ташкил этмоқда. АТ “Агробанк” Батош филиалининг 2015 йида фоизли харажатлари салмоғини Бош банк филиалдан олинган ресурслар бўйича фоизли харажатлар 917604,3 минг сўмни ҳамда банк ходимларининг иш ҳақлари 319817,9 минг сўмни ташкил этган. 2016

¹⁴ АТ “Агробанк” Батош филиалининг 2015-2017 йиллардаги фойда ва зарарлар ҳисобот маълумолари асосида тузилди.

йилда бу кўрсаткич Бош банк филиалдан олинган ресурслар бўйича фоизли харажатлар 1679909,8 минг сўмни, банк ходимларининг иш ҳақлари 471774,8 минг сўмни, 2017 йилда ҳам фоизли харажатларни асосий қисмини Бош банк филиалдан олинган ресурслар бўйича фоизли харажатлар 1108145,8 минг сўмни, бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш бўйича харажатлари 590415,3 минг сўмни ташкил этган.

2017 йилда 2015 йилга нисбатан фоизли харажатлари 389846,6 минг сўмга ошган ёки 137 фоизни ташкил этган. 2015 йилга нисбатан корхоналарга ҳамда фуқароларга берилган кредитлар ҳажмини ошганлигини кўришимиз мумкин. Яъни банкнинг фоизли даромадларини ошишига сабабчи бўлган. АТ “Агробанк” Батош филиалининг фоизсиз харажатлари ошганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 944948,5 минг сўмга ёки 186,1 фоизга ошган.

2015 йилда фоизсиз харажатларни асосий қисмини банк ходимларининг иш ҳақиси ташкил қилиб 319817,9 минг сўмни, кўриқлаш хизмати харажатлари учун 162333,0 минг сўмни ташкил қилган. 2016 йилда банк хизматчилари учун имтиёзлар 179306,6 минг сўмни, 2017 йилда эса фоизсиз харажатларни асосий қисмини банк хизматчилари учун имтиёзлар 179306,6 минг сўмни, ижтимоий суғурта бўйича бадаллар 164745,6 минг сўмни, кўриқлаш хизмати харажатлари учун 106088,9 минг сўмни ташкил қилган.

**АТ “АГРОБАНК” БАТОШ ФИЛИАЛИНИНГ “ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР”
ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ ¹⁵**

2.2.3-Жадвал

| № | Кўрсаткичлар | 2015 | 2016 | 2017 | 2017 йилга нисбатан ўзгариши, фарқи (+;-) | |
|----------|---|------------------|------------------|------------------|---|------------------|
| | | | | | сўмма | фоиз |
| 1 | Фоизли даромадлар | 1528917,1 | 2641833,4 | 1955916,9 | 426999,8 | 128,0 |
| 2 | Фоизли харажатлар | 1036032,0 | 1840194,4 | 1425878,6 | 389846,6 | 137,6 |
| 3 | Соф фоизли даромад | 492885,1 | 801639,0 | 530038,3 | 37153,2 | 107,5 |
| 4 | Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | - | 65,2 | 18519,9 | | |
| 5 | Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш чегирилгандан кейинги соф фоизли даромад | 492885,1 | 801573,8 | 511518,4 | 18633,3 | 103,7 |
| 6 | Воситачилик даромадлари | 911609,5 | 964731,4 | 991869,6 | 80260,1 | 108,8 |
| 7 | Воситачилик харажатлари | 115309,6 | 43730,4 | 66736,0 | -48573,6 | 58,0 |
| 8 | Хорижий валютадаги операциялар бўйича соф фойда (зарар) | 811,8 | 2585,9 | 75714,9 | 74903,1 | 9 баравар ошган. |
| 9 | Бошқа фоизсиз даромадлар | 74437,8 | 67341,7 | 165264,5 | 90826,7 | 222,0 |
| 10 | Бошқа фоизсиз харажатлар | | - | 590415,3 | | |
| 11 | Операцион харажатларгача бўлган соф даромад | 1364434,6 | 1792502,4 | 1087216,1 | -277218,5 | 79,7 |
| 12 | Операцион харажатлар | 1067591,7 | 1184555,6 | 1347844,5 | 280252,8 | 126,2 |
| 13 | Солиқ солингунга қадар даромад (зарар) | 296842,9 | 407946,8 | -260628,4 | -36214,5 | 87,8 |
| 15 | Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) | 296842,9 | 407946,8 | -260628,4 | -36214,5 | 87,8 |
| 16 | Даромад (фойда) солиғини баҳолаш | 29600,0 | 105211,0 | 18079,0 | -11521 | 61,0 |
| 17 | Йил якуни бўйича соф фойда (зарар) | 267242,9 | 302735,8 | -278707,4 | -11464,5 | 104,2 |

2.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АТ “Агробанк” Батош филиалининг фоизли даромадлари 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 426999,8 минг сўмга кўпайиб 128 фоизни ташкил этган. Фоизли харажатлари 2015 йилга нисбатан 389846,6 минг сўмни ёки 137,6 фоизни ташкил этиб, соф

¹⁵ АТ “Агробанк” Батош филиалининг 2015-2017 йиллардаги фойда ва зарарлар ҳисобот маълумолари асосида тузилди.

фоизли даромадлари 37153,1 минг сўмга кўпайиб 107,5 фоизни ташкил қилган. АТ “Агробанк” Батош филиалининг кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш бўйича харажатлари 2017 йилда 18519,9 минг сўм бўлган. Банкнинг воситачилик даромадлари 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 80260,1 минг сўмга ошиб, 108,8 фоизни ташкил этган. Воситачилик харажатлари эса 2015 йилга нисбатан 48573,6 минг сўмга камайган. АТ “Агробанк” Батош филиалининг хорижий валютадаги "Спот" битими бўйича хорижий валюталардаги операциялари бўйича соф фойдаси асосан 2017 йилга тўғри келиб 74903,1 минг сўмни ташкил қилган. Бошқа фоизсиз даромадлар 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 90826,7 минг сўмга, яъни 2 бараварга кўпайган. Банкнинг бошқа фоизсиз даромадларини асосан, маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлари 846733,6 минг сўмни, бошқа фоизсиз даромалари 157185,8 минг сўмни ташкил қилган.

АТ “Агробанк” Батош филиалининг бошқа фоизсиз харажатлари 2017 йилда бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ташкил этган. Операцион харажатлари 2017 йида 2015 йилга нисбатан 280252,8 минг сўмнига ёки 126 фоизга кўпайган. Яъни, биргина 2017 йилда операцион харажатларнинг асосий қисмини банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар 900866,9 минг сўмни, ижара ва таъминот харажатлари 123207,9 минг сўмни, хизмат сафари ва транспорт харажатлари 16871,0 минг сўмни, солиқ (фойда солиғидан ташқари) ва лицензиялар бўйича харажатлари 144711,7 минг сўмни ташкил қилган.

АТ “Агробанк” Батош филиалининг 2017 йил якуни бўйича соф фойдаси(зарар) 278707,4 минг сўм зарар билан чиққан. Бу ерда асосан банкни зарар билан чиқишига кўпроқ банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар ҳам сабаб бўлмоқда.

2.3.Банкларда ички ва ташқи аудит текширувлари ўтказишни амалий жиҳатлари

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгрок фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тақозо этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Дунё банкчилик тажрибасининг кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ташқи аудит хисобот тизимини баҳолаш банкнинг актив ва пасивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички назорат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текширилаётган банкнинг тақдим этган хисоботи ва баланслари ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий ахволи ва муайян даврдаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан тақлиф этилган, мустақил аудиторлик фирмалари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларга, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларга мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланади.

Ички аудит ташқи аудитга нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишига қараб, бошқача характерга, мазмунга эга бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлинма сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларга кўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини

самарали бажаришга хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндигина вужудга келаётган даврида аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув қуроли, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувни бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳдил этиб, уларга юзага чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради.

Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Ички аудит натижаларидан банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазифалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, риск омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Ўзбекистонда тижорат банкларида ички аудитга қўйиладиган талаблар Марказий банкнинг 2000 йил 24 июндаги «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги ва 2000 йил 25 ноябрдаги «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомларида белгилаб берилган. Ана шу асосда ҳар бир тижорат банкида мустақил ички аудит хизмати ташкил этилган ва улар ўз фаолиятини Марказий банк талаблари даражасида ташкил этганлар.

Умумий ҳолда ушбу тижорат банкларида аудиторлик текшируви қуйидаги босқичлардан иборатдир.(2.3.1-чизмаси)



Шундан сўнг банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити билан шуғулланади. Банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити мақсади бўлиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида фойда ва зарарларнинг тўғри акс эттирилганлиги ишончилигини, соф фойданинг тақсимлаганлиги, захираларнинг шакллантирилиши ва улардан фойдаланишнинг қонунийлигини баҳолаш ҳисобланади. Банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити асосий вазифаларига келгуси давр даромадлари ва харажатларини, жорий даромад ва харажатларни, молиявий натижалар шаклланиши, банк фойдасидан фойдаланиш ва уни тақсимлаш тўғрилигини, банк захиралари ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш киради.

Аудиторлик текшируви ўтказишда маълумот манбаи бўлиб таъсис хужжатлари, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, банк фойдасини тақсимлаш ички низоми, шартномалар, қирим ва чиқим бошланғич хужжатлари, 30300-устав капитали, 30600-қўшимча капитал, 30900-захира капитал, 31200- тақсимланмаган фойда, 40000-45999-Даромадлар, 50000-

56999-харажатлар счетлар аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари хизмат қилади.

Хусусан, АТ “Агробанк”нинг 2016 йилдаги молиявий фаолияти “Deloitte & Touche” аудиторлик компанияси томонидан ташқи аудит текширувидан ўтказилган ва молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида ижобий хулоса берилган. Яъни, ташқи аудит хулосасига мувофиқ банк томонидан 489671,9 млн. сўм миқдоридида фоизли даромадлар олиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 478902,9 млн. сўм миқдоридида фоиз даромадлар олинган ва белгиланган режа 97,8 фоизга бажарилган. Шундан, кредитлардан олинган фоизли даромадлар 351349,3 млн. сўмни ташкил этган.

Режага асосан фоизли харажатлар 376114,4 млн. сўм миқдоридида белгиланган бўлиб, ҳақиқатда фоизли харажатлар 345299,7 млн. сўмни, режага нисбатан 91,8 фоизни ташкил қилган. Банк томонидан 294666,9 млн. сўм миқдоридида фоизсиз даромадлар олиниши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 292654,9 млн. сўмни ёки 99,3 фоизни ташкил этган. Банкнинг операцион харажатлари 318842,8 млн.сўмни ташкил этиб, белгиланган режадан 17080,5 млн. сўм кўп харажат қилинган.

Банк ҳақиқатда бизнес-режага асосан 23000,0 млн. сўм миқдоридида фойда олиш кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 14069,8 млн. сўмни ёки 61,1 фоизни ташкил этган. Банк филиаллари томонидан 5399,4 млн. сўм харажатлар амалга оширилган бўлиб, банк якуний соф фойдаси 8670,4 млн сўмни ташкил қилган.

Маълумки аудиторлик ҳисоботи - тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган

бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир. Аудиторлик ҳулосаси эса - молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.


Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк–молия тизими фаолияти барқарорлигини ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳукуматимиз томонидан банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, инвестицион фаолиятда иштирокини кучайтириш, ликвидлигини таъминлаш, молиявий жиҳатдан барқарорлаштириш, соғлом банк тизимини ривожлантириш бўйича қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ** тўғрисида”ги Фармонининг, **Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида** “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш кераклиги ҳақида таъкидлаб ўтилган”.¹⁶

Жумладан, 2017 йил мамлакатимиз тижорат банклари пул-кредит сиёсатига назар ташлайдиган бўлсак, у қуйидагиларни ташкил этган.(3.1-диаграммаси)

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ** тўғрисида”ги №4947-сонли Фармони.

2017 ЙИЛДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ, ТРЛН.СЎМДА 3.1-диаграммаси



Хусусан, 2017 йилда тижорат банкларининг жами капитали 2,3 бараварга ортди ва 20,7 триллион сўмга етди. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 18,8 фоизга ошди, бу эса ҳалқаро нормалардан 1,8 баравар ортиқдир. Тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар ортди ва 58,7 триллион сўмни ташкил этди. Банк активларининг умумий ҳажми 2 бараварга кўпайди ва 2018 йил 1 январ ҳолатига кўра, 166,6 триллион сўмни ташкил этди. Банклар фаол кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттириши натижасида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 бараварга ортди ва 110,6 триллион сўмни ташкил этди. Хусусан, тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2016 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпроқдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион

сўмлик кредитлар шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, айёлларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишини рағбатлантириш мақсадида 2,8 триллион сўмлик, хизматлар ва сервиз соҳасини ривожлантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Қишлоқ аҳолисини ўй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича ўй-жойлар қуриш учун 1,8 триллион сўмлик ипотека кредитлари берилди.

Шу жиҳатдан, банк тизими ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этиши учун молиявий жиҳатдан барқарор бўлишлари лозим. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги улар амалга ошираётган операцияларига ва олаётган молиявий натижаларига бевосита боғлиқдир. Банк амалга оширган фаолият натижасини баҳолаш, унинг фаолияти самарадорлигини оширишда иқтисодий кўрсаткичлар тизимини яратиш, эришилган ютуқлар ва фойдаланилмаган имкониятларга баҳо бериш, банк фаолиятини юритишнинг энг қулай усуллари аниқлаш вазифасини бажаришда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг халқаро амалиётда қўлга киритган ютуқларидан кенг фойдаланишни талаб этади.

Банклар ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти қонуниятларига амал қилиб, банклараро рақобатнинг кучайиб бориши шароитида ҳар бир миждоз учун кураш олиб борган ҳолда янги банк хизматлари бозорларида ютиб чиқишга ҳаракат қилади. Тижорат банклари банк хизматлари бозорида кредит, касса, ҳисоб-китоб, валюта, воситачилик, маслаҳатчилик, траст ва бошқа банк операцияларини амалга ошириб, улардан даромад олишга интилади. Олинган даромад ҳар доим ҳам қилинган харажатларни қопламайди, бу фаолият натижаси зарар билан чиққанлигини англатади. Бу кўпчилик ҳолатларда банк фаолиятида маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради.

Шу нуқтаи назардан, тижорат банки фаолияти зарар билан чиқиш сабабларни ўрганиш, унинг аниқ суммаларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқдир. Банк фаолиятини таҳлил қилиш, бошқариш ва режалаштиришда банк фаолиятининг молиявий натижасини ижобий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада банк фаолияти натижаси салбий бўлган ҳолатлар юзага келиш олдини олиш, унинг оқибатларини тўғирлаш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши кераклиги аниқланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, банк фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган фойда банк асосий фондларининг янгилашиши ва кўпайиши асоси, ўз капиталининг кўпайиши, ва банкнинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигини таъминлаши, молиявий барқарорлиги, дивиденд тўлаш имконияти, банк хизматлари сифатини ошириш ва ривожлантиришга замин яратади. Шунинг учун ҳам яқиний молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари даромадлилигини яъни фойдасини оширишда бир қанча муаммолар мавжуд ва қуйида биз шу муаммоларни кўриб чиқамиз:

- валюта бозорида ва қимматбаҳо қоғозлар операцияларидан келадиган даромадлар улушининг етарли эмаслиги ва мамлакатимиз банк тизимидаги айрим банклар ўз даромадларини шакллантиришнинг бу йўлига ҳанузгача эътибор бермасдан келмоқда;
- ёрдамчи фаолиятдан олинган янги даромад турларининг ривожланмаганлиги – турли хилдаги товар ва фондлар биржаларини таъсис этиш, инвестицион ва суғурта компанияларини вужудга келтириш жараёнида иштирок этиш;
- мижозларга кўрсатадиган турли пулли хизматлар ҳажмининг камлиги мижозга қанчалик сифатли ва ҳар томонлама турли хизмат кўрсатилса, банкнинг даромади шу фаолият тури бўйича шунча юқори бўлади;

- тижорат банкларида харажатлар турлари ва хажмининг ошиб бораётганлиги тижорат банкларида охириги йилларда операцион харажатлар ва фоизли харажатларнинг хажми ошиб бориши бу банкнинг фойдасини камайишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари хажмини ошириш зарур. Бунинг учун, аввало, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларининг хажмини кескин ошириш лозим. Тижорат банкларида қимматли қоғозларнинг эмитентларининг молиявий ва мулкый ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган даромадларни оқилона даражасини таъминлаш имконини беради.

Фоизли даромадларнинг хажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, лизинг бозори бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. Бунинг асосида тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш лозим. Тижорат банкларининг лизинг операциялари уларга барқарор даромад келтиради. Чунки лизинг тўлови қатъий белгиланган фоиз шаклида бўлади.

Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида:

- ✓ кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим;
- ✓ банкларнинг пасивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига ва муддатли ва жамғарма депозитларининг салмоғини ошириш лозим;

✓ кредитлашнинг турли шакларидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган объектив эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб банкнинг фоиз ставкаси белгиланади.

✓ тижорат банкларида миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Банк фойда ва зарарлари ҳисобини такомиллаштиришда даромад ва харажатларни тўғри тан олишга алоҳида аҳамият бериш лозим. «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низомда тан олиш – элемент таърифига жавоб берадиган ва тан олиш мезонларини қондирадиган муайян моддани пул суммаси кўринишида акс эттириш ва баланс ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёни деб таъриф берилган.

Қайд этиб ўтиш керакки, банк даромади ва харажати тан олишдан мақсад уларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши ва якуний молиявий натижани тўғри аниқлашдир. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни акс эттириш (тан олиш) ҳисоблаш усулида амалга оширилмоқда.

Фикримизча, даромад ва харажатларни ҳисоблаш усули билан тан олиш қуйидаги афзаликларга эга:

1. Банк даромад ва харажатлари маълум бир вақтга боғланмасдан, ҳисобот даврига боғланади, чунки хўжалик жараёни узлуксиз жараён;
2. Ҳар бир харажат маълум бир миқдордаги даромад олиш учун қилинади ва улар ўртасидаги боғлиқлик фақат ҳисоблаш усули билан кузатилиши мумкин;
3. Харажатларни вақт мобайнида тақсимлаш даромад олиш билан боғлиқ, сабаби даромад ва харажатлар боғлиқлиги ҳисобот даврида молиявий натижаларнинг тенг тақсимланишидадир;
4. Даромад ва харажатларни ҳисоблаш талаб ва мажбуриятларни юзага келиш вақтларини аниқлаш имкониятини беради.

Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз даромадлари ҳисобида уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларнинг мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Республикамиз тижорат банкларининг тижорат қимматли қоғозлари билан амалга оширадиган операцияларининг ривожланмаганлиги.

2. Мамлакатимизнинг тижорат банкларида, шу жумладан, АТ «Агробанк»да Батош филиалида юқори даражада фоизли даромад келтирувчи лизинг, факторинг ва дисконт операцияларининг ривожланмаганлиги. Ушбу операцияларнинг ривожлантириш тижорат банкларига барқарор фоизли даромад олиш имконини беради. Улар банкларни «Ностро» вакиллик ҳисобварақларида ортиқча пул маблағларини саклаб туриш заруриятидан халос этади.

3. Мамлакатимиз тижорат банкларида форфейтинг операцияларини ривожланмаганлиги. Форфейтинг операциялари товарларни сотилишини тезлаштиради, банкларга юқори даромад келтиради.

Юқорида қайд этилган муаммоларни хал қилиш тижорат банклари даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, бу муаммоларни хал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1.Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида асосан, уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини мунтазам ошириб бориш зарур;

2.Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш, яъни кредит фоизини камайтириш ҳисобига;

3.Банкнинг соф фойдаси(зарар)га таъсир этувчи омилларни таҳлилий ўрганиш ва аудитдан ўтказиш;

4.Банкнинг хизмат турларини янада ошириш ва депозит жамғармаларини фоиз миқдорларини, банк фойдасига қараб ўзгартириб бориш;

Банк даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда фоизсиз даромадлар ҳисобини юритишда ўз вақтида ундирилмаган воситачилик ҳақини ҳисобга олишда тижорат банклари фоизсиз даромадларни мижоз ҳисобварағида маблағ бўлишидан қатъий назар аввал ҳисобга олиб, кейин ундириб олиш лозим.

Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида банклар фоизсиз даромадларни ҳисоблаб кўйгандан сўнг мижозларнинг тўловга лаёқатсизлиги сабабли белгиланган муддатда уни ундириб олиш имкониятига эга бўлмай қоладилар. Ушбу ҳолат банкнинг ҳисобланган фоизсиз даромадлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар», 16405 – «Ҳисобланган жарима ва пенялар», 16409 – «Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад», 16413 – «Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар» шахсий ҳисобварағидаги маблағларини ҳисоб–китоб қилиш керак.

Фикримизча, 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

Юқорида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини амалга оширишнинг такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда, банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Тижорат банклари ички аудит хизмати иш режасини қуйидаги йўналиш бўйича такомиллаштириш зарурдир:

Банк ички аудит хизматининг 1 йиллик иш режасини тузиш даврида банкни ташқи аудит текширишларини ўтказадиган аудит фирма фаолияти билан мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир; банк ички аудит фаолиятининг йиллик иш режаси Марказий банк инспекторлик текшириш режаси билан мувофиқлаштириш ортиқча харажатлар қилишнинг олдини олишга олиб келади.

Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишни такомиллаштиришда авваломбор Банк томонидан Марказий банк талабларидан келиб чиқиб кейин бир йил муддатга тузилган кредит сиёсатини таҳлил қилишга эътибор бериш зарур.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель кўмитасининг янги стандартларини жорий қилиш бўйича берган тавсиялари асосида банк аудитини такомиллаштириш ва банк тизимини юқори ҳалқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишни таъминлаш мақсадида, ислохотларни қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- регулятив капитал таркибини қайта кўриб чиқиш ва капитал компонентларининг етарлилиги бўйича белгиланган талабларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур;

- рискларнинг бир қарздорда (ёки ўзаро боғлиқ қарздорлар гуруҳи), кредитлаш объектида, фаолият ва тармоқда тўпланишини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керак;

- жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда, ҳар бир тижорат банкининг иқтисодий ҳолатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган замонавий услубиётлар асосида банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини тезкор таҳлил қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини амалга оширишда, унинг иқтисодий самарадорлигини ва сифатини оширишда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини Молиявий ҳисоботларнинг Халқаро Стандартларига (МҲҲС) тўлиқ мослаштириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширишлиши лозим деб ҳисоблаймиз

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда банк тизимининг узлуксиз ривожланиши иқтисодий эркинлаштириш шароитида объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали ташкил этиш учун банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг даромадлигини ошириш, ушбу операцияларни амалга оширишда қилинаётган харажатларни камайтириш ва шу асосда банк фойдасини кўпайтириш йўллари топишни талаб этади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Банк даромадлари банк фаолиятининг ўзига хослигидан ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир қанча турлари мавжуд. Биз уларни фоизли ва фоизли даромадларга бўлган ҳолда тадқиқ қилдик. Фоизли даромадлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, ўз ичига кредитлардан олинган фоизларни, қатъий белгиланган ставкалардаги фоизларни ва қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини оширишдан олинадиган даромадлар киради. Фоизли даромадларнинг даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири соф фоизли даромад кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки, тижорат банкларининг фойда ва зарарларини аниқлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, соф фоизли даромадларнинг тижорат банкларининг ялпи даромадидаги ҳажми камида 70 фоизни ташкил қилиши зарур.

2. Банкнинг оладиган даромади, унинг харажатларини қоплаши ва фойда яратиши керак. Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган захирага йўналтирилади. Банк ўз харажатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини таъминлаши эмас, балки тушумининг бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг харажат қиладиган

даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

3. Банк тизимимизда фаолият олиб бораётган банкларнинг даромадларининг асосий қисмини фоизли даромад ташкил қилади. Фоизсиз даромад улуши эса, ўз навбатида, шунга мос равишда ўзгариб боради. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтирса ва унинг даромад таркибидаги улушини 70–75 фоизга етказса, мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Банк даромадлари ва харажатлари ҳисобида уларни ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилик» тамойилларидан фойдаланса мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари фаолияти даромадлигини таъминлаш, даромадлар ва харажатлар ҳисобини ҳамда аудитини такомиллаштириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур. Фоизли даромадларнинг ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади. Чунки, йил охирида фойда ва зарарларни ҳисоблашда, банкнинг соф фойдасини оширишга сабаб бўлади.

2. Тижорат банкларини кредитларидан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида: кредитларнинг банк активлари таркибидаги салмоғини, банкларнинг пассивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига ва мудатли ва жамғарма

депозитларининг салмоғини ошириш; кредитлашнинг турли шакларидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

3.Тижорат банкларининг даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларидан дисконт кўринишдаги даромадни ҳисобга олишни такомиллаштириш лозим. Факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳақга бўлиш керак. Сабаби банк регресс ҳуқуқсиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи корхонани кредитлайди ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 10-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ қолган 85-90 фоизини қисқа муддали кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак. Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов фоизли даромад сифатида тан олинishi ва ҳисобга олинishi лозим.

4. Банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

5.Тижорат банклари ҳисоблаш ва ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамоийилларини қўллаган ҳолда имтиёзли акция бўйича дивидендни молия йили бошлангандан сўнг ҳар қуни тан олиб бориши лозим.

6.Тижорат банки актив операцияларида аудитида кредитини атрофлича таҳлил қилиш ва унда кредит қайтмаслигини камайтириш йўллари ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Адолат, 2010 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги Қонуни. 1995 йил 21 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, (янги таҳрирдаги) 13 апрел 2016 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 март “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3620-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентяб “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3272-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентяб “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3270-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрел “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1090-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябр “Банк тизимини янада ривожлантириш ва пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июл “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрел “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-56-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4-декабрдаги 422-сон “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори// Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.-.: “Ўзбекистон”, 2003 йил.173-177 бетлар.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг маъсулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 264-сонли, Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги “Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон “ Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Т.-.: “Ўзбекистон”, 2003 йил.120-146 бетлар.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

20. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маъросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Т.-.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-32 бет.
21. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза. Т.-.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-48 бет.
22. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.-.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-488 бет.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 23 декабр, Халқ сўзи.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва

- бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги 1834 -сонли Йўриқнома 2008 йил 11 июль.
25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648 -сонли Низом 2006 йил 27 декабр
 26. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси. ЎзР АВ 13.08.2004 йилда 773-17-сон билан рўйхатга олинган (янги таҳрири).
 27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги 1306 -сонли Низом, 2004 йил 30 январ.
 28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2011 йил 34-А/1 сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2011 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.
 29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги 906-сонли Низом 29.03.2000 йил
 30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида”ги 2004-сонли Низом, 2009 йил 9 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 412-модда)
 31. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома” Адлия вазирлигида 09.07.2012 йилда 1834-1 –сон билан рўйхатга олинган.
 32. “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” Низом (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 2000 йил 25 ноябрдаги 420-1 сон, 2002 йил 20 апрелдаги 420-2 сон ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 2000 йил 21 декабрдаги 949-1 сон, 2002 йил 14 майдаги 949-2 сонли ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга)
 33. Ўзбекистон Республикаси банкларини аудит қилиш тўғрисидаги 403-сонли, Низом. 1998 йил 4 июл.
 34. “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 22 декабрда 992- рақам билан рўйхатга олинган).
 35. Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида” Низом(Адлия вазирлигида 2000 йил 20 июнда 982- рақам билан рўйхатга олинган.).

36. Тижорат банкларида ички назоратни ташкил қилиш бўйича тавсиялар (Марказий банк томонидан 1-июль 1998 йил 404 –рақам билан тасдиқланган).
37. Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш тартиби тўғрисида Низом (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йил 237-рақам билан тасдиқланган).
38. Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудит аудиторларни малакавий аттестация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки комиссияси ҳақида Низом. (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йилда 238-рақам билан тасдиқланган).

VI. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

39. Омонов А.А., Қоралиев. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, 1–нашри. Т.М. ТМИ, –Т.: “Иқтисод-Молия” 2014. 295 б.
40. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 196 б.
41. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т.ТМИ, 2007. 348 б.
42. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.
43. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. 2010, 272б.
44. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т., MOLIYA – IQTISOD 2010 й.
45. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках.- Т.: Молия Иқтисод 2010г.
46. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с.
47. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка. Учебное пособие – М.: ИНФРА–М, 2001. – 320 с.
48. Полищук А.Ш. Банковский учёт и отчетность: Учебно–практическое пособие. –М.: ИМПЭ, 1998. –205 с.
49. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. -160 б.
50. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003.-305 б.
51. К.Наврузова – Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма.–Тошкент «Иқтисод-молия», 2010. 188 б.
52. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. Учебник. М. “Кнорус”. 2007. 320 стр.
53. Норқобилов С, Ортиков У, “Банк аудити”. Т.: 2004 - 108 б.
54. Норқобилов С.Х. ва Абдусаломова О. “Банкларда аудит”. Т.”Маънавият”2005 й. ўқув қўлланма.

55. Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 128 с.
56. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.
57. Шеремет А.Д. “Финансовый анализ коммерческого банка” М.: Финансы и статистика 2000 152 стр
58. Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» – М.: Финансы и статистика, 2000. – 496 с.
59. Нотон Д.М., Карлсон Д.Д., Дитд Д.Д. и др. Организация работы в банках: в 2-х томах. Том 2. Интерпретирование финансовой отчетности. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 240 с.
60. Нотон Д.М. «Банковские учреждения в развивающихся странах» – Всемирный банк, Вашингтон, 1994.
61. Е.П.Козлова, Е.Н.Голонина «Бухгалтерский учет в коммерческих банках». М.: 1996 г.
62. Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – с. 190.
63. Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го издания / под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. М.: 1994, Catallaxu. –с. 47.
64. Жарковская Е.П. Банковское дело.–4-е изд., испр. и доп. – М.: Омега-Л, 2005.– с. 377.
65. Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с
66. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.
67. Бердияров Б.Т. «Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги». и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферата. -Т.: 2002. - 21 б.
68. Умаров З.А. “Тижорат банкларининг молиявий натижалари мохияти” Иқтисодиёт ва таълим журнали № 1 2006 йил.
69. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б.
70. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.
71. Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдани шакллантириш муаммолари. и.ф.н. дисс. –Т.: 1998. –б. 24.
72. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.

73. Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалари ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2010 – 21 б.
74. АТ “Агробанк” Батош филиалининг 2015-2017 йиллар молиявий ҳисоботлари.

VII. Интернет тармоғи бўйича тавсия этиладиган веб-сайтлар

www.bankir.ru

www.state.us

www.cer.uz.

www.nbu.com

www.bir.uz

www.cbu.uz

www.ahbor.uz

<http://www.lex.uz>

www/bank.uz

www.ziyonet.uz